

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

6-сон
(1130)
2024 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

44. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 6 февралдаги ЎРҚ-904-сон Қонуни
45. «Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 февралдаги ЎРҚ-905-сон Қонуни
46. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 февралдаги ЎРҚ-906-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

47. ««Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 февралдаги ПҚ-60-сон қарори
48. «Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 февралдаги ПҚ-62-сон қарори
49. «Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳаси обьектларини барпо этишда буюртмачи хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 февралдаги ПҚ-65-сон қарори
50. «Қорақалпогистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги ПҚ-66-сон қарори
51. «Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги ПҚ-67-сон қарори

Бешинчи бўлим

52. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 23 январдаги 100-сон «Солик маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) «Соликқа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқقا ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2526-1*)
53. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 10 январдаги 2-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширудан ўтказиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-2*)
54. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2024-yil 29-yanvardagi 01/11-05/02-son “Qonunchilik hujjatlarining raqobatga ta’sirini baholash metodikasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 5-fevral ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3155-2*)

55. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 4-yanvardagi 42/20-son “Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 5-fevral ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 3336-2*)
56. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 11 январдаги 4-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380-1*)
57. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 23 январдаги 42/18-сон «Тижорат банкларининг ликвидилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-6*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

44

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
28 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда санитария ҳолатини ва экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ қурилиш, ишлаб чиқариш ва урбанизация кўламларининг кенгайиши атроф табиий мухитга ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг ортишига сабаб бўлмоқда. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш учун қонунларда атроф табиий мухитга зарарли таъсир кўрсатувчи объектларнинг фаолиятини маҳсус ваколатли давлат органларининг қарорига кўра чеклаш ёки тўхтатиб туриш мумкинлиги назарда тутилган.

Шу билан бирга қонунчиликда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб туриш учун асос бўлган ноаниқ таърифларнинг мавжудлиги давлат органларининг дискремион ваколатлари кенглиги билан боғлик коррупция ҳолатлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Мазкур Қонун билан «Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофaza қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорларни, биринчи навбатда, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф юзага келишининг олдини олиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш асосларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун экологик вазиятни яхшилашга, аҳолининг ҳаётига ва соғлиғига хавф юзага келишининг олдини олишга, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга, шунингдек коррупция омилларини бартараф этишга ҳамда ваколатли давлат органларининг масъулиятини оширишга хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қи-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 февралда эълон қилинган.

линган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 754–ХII-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) куидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- 1) **10-модданинг учинчи қисмидаги** «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлик ҳолда» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий мухитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлик хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 2) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлик ҳолда» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий мухитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлик хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 3) **50-модданинг иккинчи қисмидаги** «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлик ҳолда» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий мухитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлик хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 353–1-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 3, 164-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлик ҳолда» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий

муҳитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлик хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Экологик назорат тўғрисида**»ги ЎРК-363-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 5, 465-модда) **22-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал таҳдид юзага келишининг олдини олиш муносабати билан» деган сўзлар «фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига атроф табиий муҳитнинг нормативдан ортиқ даражада ифлосланиши билан боғлик хавф юзага келишининг олдини олиш мақсадида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиқариларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирун;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 февраль,
ЎРК-904-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

45

Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
17 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 20 декабря
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек архив иши соҳасида зарур инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга давлат органларининг фаолиятида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини жорий этиш, кўрсатилаётган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш, шунингдек нодавлат архивлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати ҳозир ҳам мавжуд.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиққанлик ёки давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи, йигимлар ёки бошқа тўловлар тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги талаб бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Юридик шахсларни Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тартиб-таомили ҳам соддалаштирилмоқда. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризани рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўриб чиқиш муддати 15 кундан 10 кунга камайтирилишини, «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига эса адвокатга гувоҳнома бериш муддати камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташкари «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар хайъатларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳамда юридик маслаҳатхоналарни қайта рўйхатдан ўтказиш функциялари адлия органларидан Давлат хизматлари марказларига ўтказилишини, шунингдек рўйхатдан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божлари миқдорлари камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бунда боғдорчилик-узумчилик ширкатларини, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 февралда эълон қилинган.

хўжалиги кооперативларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳам Давлат хизматлари марказларининг зиммасига юклатилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка гербли гувоҳномаларда давлат герби ва QR-код (матрик штрихли код) тасвири мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб мустаҳкамлаб қўйилишини, шунингдек жамғарib бориладиган пенсия тизимида 16 ёшга тўлган фуқароларни ҳисобга олиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил девонининг давлат органи сифатидаги мақомини аниқлаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига нодавлат архивлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби соддалаштиришини, шунингдек лицензияни ёки қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган харатклар тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра, қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланмаган ҳолда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қайси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга мувофиқ амалга ошириладиган бўлса, ўша ҳужжатни қайта расмийлаштириш тартиби соддалаштиришини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солиш, уларнинг рўйхатини кенгайтириш ҳамда ахоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматлари кўрсатганлик ва мурожаатларни кўриб чиққанлик учун ундириладиган тўловлар миқдорларини камайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил девонининг хуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш, шунингдек нодавлат архивларнинг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиб-таомилини соддалаштириш учун хизмат қиласи.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ-580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда) **16-моддаси биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбоиси** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637,

640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 588-модда, № 10, 674-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда) **8-моддасининг иккинчи қисмига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349—I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 8, 631-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3¹-модданинг саккизинчи қисмидаги** «уч» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **16-модда биринчи қисмининг учинчи хатбохисидаги** «давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса» деган сўзлар «давлат божи тўловини амалга оширган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги 541—I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ-78-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 4-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **19-моддасининг учинчи қисмидаги** «ўн беш кунлик муддатда» деган сўзлар «ўн кунлик муддатда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда;

2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **201-модданинг учинчи қисмидаги** «икки нусхада тузилади» деган сўзлар «бир нусхада тузилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **202-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари асосида ҳимояланганлик даражасига эга бўлган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ҳамда QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган гувоҳномалар берилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»**ги 763—I-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **22-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмнинг:

тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи** ва **ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмнинг:

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**-ги 813—I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда) **9¹-моддаси тўртинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар лицензиат лицензия берганлик учун давлат божини унга лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичida тўламаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Жамоат фондлари тўғрисида**»ги 527-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 592-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **14-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

биринчи қисмнинг:

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари чиқариб ташлансан;

ўнинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

тўртинчи қисмнинг:

тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансан;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 702-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда) **7-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар қўйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсан:

«Жамғарib бориладиган пенсия тизимида 16 ёшга тўлган фуқароларни ҳисобга қўйиш уларга идентификацияловчи ID-карталарни бериш билан бир вақтда амалга оширилади.

Жамғарib бориладиган пенсия тизимида 2021 йил 1 июнга қадар ҳисобга қўйилмаган фуқароларни ҳисобга қўйиш уларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги ЎРҚ-64-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **51-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «белгилangan тартибда ва микдорда давлат божи тўланганлигини, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қи-

линган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ–301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда) **8-моддаси иккинчи қисмининг еттинчи хатбошиси** чиқарилбай ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида**»ги ЎРҚ–440-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 384-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 4, 337-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **22-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

Биринчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун юридик шахс ҳуқуқларига эга давлат органи бўлган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг девони (бундан бўён матнда Вакил девони деб юритилади) ташкил этилади»;

Олтинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Вакил девони ўзининг банк ҳисоб-китоб варағига, ўз номи ёзилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 489-модда, № 10, 595-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, 10-сонга илова) **22-моддаси-нинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Юридик шахс Хусусий бандлик агентликларининг реестрига кириш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тўғрисида ги аризани тақдим этади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «**Курол тўғрисида**»ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

1) **12-модда биринчи қисмининг:**

тўртинчи хатбоиси чиқарib ташлансин;
бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

2) **13-модда еттинчи қисмининг:**

тўртинчи хатбоиси чиқарib ташлансин;
бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи**,
бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 786-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда) қуидаги ўзгартиришлар киритилсан:

1) **22-модда:**

иккинчи қисмининг:

тўртинчи хатбоиси чиқарib ташлансан;

бешинчи хатбоиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

учинчи қисмининг:

олтинчи хатбоиси чиқарib ташлансан;

еттинчи — ўн **учинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** — ўн **иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

2) **24-модда иккинчи қисмининг:**

учинчи хатбоиси чиқарib ташлансан;

тўртинчи — ўн **биринчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** — ўн **иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда) **иловаси 7-бандининг «а» ва «б» кичик бандлари** қуидаги таҳрирда баён этилсан:

«

| | | |
|--|--|-------------------------|
| | а) аддия органлари томонидан | |
| | халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини | — БХМнинг 12,5 баравари |
| | республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини | — БХМнинг 3 баравари |
| | фаолиятини вилоят ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини | — БХМнинг 1 баравари |

| | | |
|--|---|--|
| | фаолиятини туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини | — БХМнинг 50 фоизи |
| | диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ва диний ўкув юртларини | — БХМнинг 20 баравари |
| | бошқа диний ташкилотларни | — БХМнинг 10 баравари |
| | диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказганлик учун | — уларни биринчи марта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган сумманинг 50 фоизи |
| б) Давлат хизматлари марказларида | | |
| | чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда | — БХМнинг 10 баравари |
| | сугурталовчилар ва сугурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондларини, «Ўзбекозиковқатзахира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарни, бозорларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик жамиятлари (шу жумладан холдинг) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бирлашмалари давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда | — БХМнинг 4 баравари |
| | юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари, юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган оиласиёй тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахслар бирлашмалари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари давлат рўйхатидан ўтказилганда ёки қайта рўйхатдан ўтказилганда | — БХМнинг 1 баравари |
| | адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари рўйхатдан ўтказилганда | — БХМнинг 1 баравари |
| | адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари қайта рўйхатдан ўтказилганда | — уларни биринчи марта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган сумманинг 20 фоизи |
| | юридик маслаҳатхоналар рўйхатдан ўтказилганда | — БХМнинг 1 баравари |

».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган «**Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги ЎРҚ-604-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 26-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахс уставининг кўчирма нусхаси ва чет эл юридик шахси учун

шунингдек юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гу-
воҳноманинг кўчирма нусхаси»;

2) 29-модданинг:

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестор томонидан ташкил этилган юридик шахс Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига кириш учун махсус иқтисодий зона дирекциясига Махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги тўловни тўлаганидан кейин ариза билан мурожаат қилади»;

тўртинчи қисмидаги «ушбу модданинг учинчи қисмida кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан» деган сўзлар «мазкур аризани олган кундан эътиборан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 марта қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»ги ЎРҚ-610-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 523-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- 1) **38-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- 2) **39-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- 3) **44-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- 4) **45-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ-677-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **22-моддасига** қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

биринчи қисмнинг:

учинчи хатбошисидаги «олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатнинг» деган сўзлар «илмий даража тўғрисидаги ҳужжатнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмнинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ-701-сонли Конунига (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 30-модда:

қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, лицензияни ёки руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш учун ариза талабгорнинг хоҳишига кўра, рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юборилиши мумкин. Бунда рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъектининг қайта рўйхатдан ўтказилиши учун асос бўлган маълумотларни кўрсатган ҳолда, маҳсус электрон тизим воситасида ваколатли органга хабарнома юборади. Рўйхатдан ўтказувчи орган орқали лицензияни ёки руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириша йиғим ундирилмайди»;

еттинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **саккизинчи — ўн биринчи қисмлар** деб хисоблансин;

ўнинчи қисми «тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда» деган сўзлардан кейин «ёки ушбу модданинг еттинчи қисмida назарда тутилган хабарнома» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн биринчи қисмининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия ёки руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштирилаётганда талабгорнинг лицензияни ёки руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўлана-диган сумманинг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) 3-илова қўйидаги мазмундаги **34-позиция** билан тўлдирилсин:

| | | | | |
|---|-----|--|---|--|
| « | 34. | Нодавлат архивнинг фаолияти бошланганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги хабарнома | Архив ҳужжатларини жамлаш, хисобга олиш, саклаш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият. | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги |
|---|-----|--|---|--|

»;

3) 4-илованинг III бўлими қўйидаги мазмундаги **27-позиция** билан тўлдирилсин:

| | | | |
|---|-----|--|----|
| « | 27. | Нодавлат архивнинг фаолияти бошланганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги хабарнома | 75 |
|---|-----|--|----|

».

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва бошқа манфаатдор

ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирунган;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

23-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 февраль,
ЎРҚ-905-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

46 Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
26 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 19 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳамда энергияни тежовчи технологияларнинг жорий этилишини жадаллаштириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни янада қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига «яшил энергия» сертификатларини бериш ва муомалага киритишга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга тааллуқли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига «яшил энергия» сертификатлари савдосидан тушган даромадлар фойда солишини солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар эканлигини белгиловчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун ижтимоий ва уй-жой коммунал соҳаларда ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этишга, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика худудларидағи энергия тақчиллигини бартараф этишга ҳамда инвесторлар учун қулай шарт-шароитларни ва рағбатлантириш механизmlарини белгилашга хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-539-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 264-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсан:

1) 3-модда:

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«яшил энергия» сертификати — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон хужжат»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 февралда эълон қилинган.

тўртинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 4-модда:

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«яшил энергия» сертификатлари тизимини ривожлантириш»;

саккизинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 6-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини;

«яшил энергия» сертификатларини бериш ва муомалага киритиш тартибини белгилаб берувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қиласди»;

4) 15-модда қўйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Куввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ягона электр энергетикаси тизимига улаш фақат ушбу манбалар маҳсус ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) **304-моддаси** қўйидаги мазмундаги **21-банд** билан тўлдирилсин:

«21) қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган генерация объектларининг «яшил энергия» сертификатлари савдосидан тушган даромадлари».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 февраль,
ЎРҚ-906-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

47 «Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда вилоятда туризмнинг эко ҳамда экстремал каби турларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий талаблар асосида экологик тез қуриладиган жойлаштириш воситалари, савдо-кўнгилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси обьектларини барпо этиш, шунингдек, тоғли ҳудудда янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

Самарқанд туманида умумий майдони 1 697 гектар бўлган «Оҳалик», умумий майдони 414 гектар бўлган «Оқбўйро» ҳамда умумий майдони 2 545 гектар бўлган «Миронқул» тоғ туризми лойиҳаларидан иборат бўлган «Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зonasини (кейинги ўринларда — Туристик зона) ташкил этиш;

Туристик зонани ривожлантириш ва бошқариш мақсадида Самарқанд тумани ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси»ни (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

«Оҳалик» тоғ туризми лойиҳаси чегараларининг тавсифи 1-иловага мувофиқ;

«Оқбўйро» тоғ туризми лойиҳаси чегараларининг тавсифи 2-иловага мувофиқ;

«Миронқул» тоғ туризми лойиҳаси чегараларининг тавсифи 3-иловага мувофиқ;

«Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зонаси ҳудудида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 4-иловага** мувофиқ;

«Оҳалик — Оқбўйро — Миронқул» туристик-рекреацион зонаси ва унга олиб борувчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 7 февралда эълон қилинган.

** 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

Туристик зона фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади;

Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши учун лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий эксперталар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматлари учун ҳақ тўлаш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларни қоплаш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси) ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган график асосида Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан қопланади;

Туристик зона инфратузилмасининг қурилишини молиялаштириш харажатлари белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳани техник-иқтисодий асослаш асосида амалга оширилади.

4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Туризм қўмитаси билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиб, уларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишсин ҳамда тасдиқланишини таъминласин:

«Оҳалик», «Оқбўйро» ҳамда «Миронқул» тоғ туризми лойиҳалари (кейинги ўринларда — тоғ туризми лойиҳалари) ҳудудларини замонавий экологик талаблар асосида тез қуриладиган модулли ва капсулали жойлаштириш воситалари, ўтов ва автокемпинг лагерларини барпо қилишга ихтисослаштириш орқали тақдим этиладиган хизматлар турини кенгайтириш;

тоғ туризми лойиҳалари ҳудудини ўзаро боғловчи кемпинг лагерлари ва пикник зоналар мавжуд бўлиши имкониятини инобатга олган ҳолда туристик сўқмоқларнинг жойлашувини белгилаш;

тоғ туризми лойиҳалари ҳудудларини «зиплайн», «банжи-жампинг» ва «зорбинг» аттракционлари, канатли парк, дор йўллари, дельтаплан ва параплан ёки ҳаво шарида учиш каби экстремал туризм йўналиши фаолиятини ташкил қилишга ихтисослаштириш;

тоғ туризми лойиҳалари ҳудудида ўрнатиладиган йўл кўрсаткичлари ва намунавий санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш ҳамда чиқиндиларни ташлаш нуқталарини белгилаш;

сувенирлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси обьектларини жойлаштириш.

5. Дирекция Туристик зона ҳудудида йўл ва туризм инфратузилмаси,

муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва қуриш лойиҳаларини амалга оширишда буюртмачи этиб белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Туристик зонадаги туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) инвесторларга реализация қилиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Дирекцияга ўтказилади;

Дирекцияга ўтказилган ер участкаларини реализация қилиш Дирекциянинг қарорига асосан электрон онлайн аукцион орқали белгиланган тартибда амалга оширилади;

Туристик зона худудидаги ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар (савдо чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлардан ташқари) тўлиқлигича Дирекцияга йўналтирилади;

Туристик зона худудидаги ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар Дирекция фаолиятини молиялаштириш ҳамда тоф туризми лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

Туристик зона худудидаги автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари 2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида туризм обьектлари инфратузилмасини яхшилаш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Дирекция фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш учун қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан зарур маблағларни ажратсин.

8. Туризм қўмитаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Туристик зона худудида кўрсатиладиган хизматларни диверсификация ва монетизация қилишга доир тарғибот дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Туристик зонанинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш обьектларини қуриш учун нуфузли ташкилотларни, шу жумладан салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Туристик зона худудида Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасининг мавжуд штат бирликлари ҳамда иш ҳақи жамғармаси доирасида хавфсизликни таъминлаш бўлимини ташкил этиш дастурини тасдиқласин.

11. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Туризм қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Туристик зонанинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, «Дизайн-код» лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Дирекция Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қўрғони, 1-йй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 февраль,
ПҚ-60-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 февралдаги
ПҚ-60-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Оҳалик» тоғ туризми лойиҳаси чегараларининг
ТАВСИФИ**

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида жойлашган Ўрта Оҳалик маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ўрта Оҳалик МФЙ ва Янгижой маҳалла тизимидағи Оқбўйро аҳоли пункти чегарасидаги Оқбўйро кўчасининг ўнг томонида шимолий-шарқий бурчагидаги нуқта бошланғич 1-нуқта (WGS-84 координаталар тизимида, шимолий кенглик координаталари $39^{\circ}31'58.83''$, шарқий узоқлик координаталари $66^{\circ}54'31.15''$) деб қабул қилинди.

1-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизиқ билан Ўрта Оҳалик МФЙ ва Янгижой МФЙ чегара чизиги бўйлаб жанубий-шарқий йўналишда 702 метр масофада тоғ қиррасидаги 2-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'36.14''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'28.90''$) туташади.

2-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраларининг шимол томонидан жанубий йўналишда 3 421 метр масофада тоғ қиррасидаги 3-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'59.95''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}53'16.62''$) туташади.

3-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирралари бўйлаб жанубий-фарбий йўналишда 2 041 метр масофада тоғ қиррасидаги 4-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'59.94''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}51'52.09''$) туташади.

4-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 1 459 метр масофада тоғ қиррасидаги 5-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'13.04''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}51'44.63''$) туташади.

5-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраларидағи ўрмон хўжалик ерлари чегараси бўйлаб фарбий йўналишда 3 013 метр масофада тоғ қиррасидаги 6-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}30'0.10''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'54.27''$) туташади.

6-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраларидағи Ўрта Оҳалик МФЙ ва Миронкул МФЙ чегара чизиги бўйлаб шимолий-шарқий йўналишда 3 563 метр масофада тоғ қиррасидаги 7-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'13.30''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}51'49.52''$) туташади.

7-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраси бўйлаб шимолий йўналишда 1 517 метр масофада чегаранинг якуний тоғ қиррасидаги 8-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'1.05''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}52'4.94''$) туташади.

8-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирра бўйлаб шимолий-шарқий йўналишда 2 396 метр масофада Ўрта Оҳалик МФЙ ва Оҳалик МФЙ ўртасидаги Боғиравон кўчасининг чап томонидаги 9-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'15.67''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}53'43.45''$) туташади.

9-нуқтадан чегара чизиги Боғиравон кўчасининг чап томони бўйлаб шарқий йўналишда 205 метр масофада маҳаллий каналнинг чап томон бурилиш бурчагидаги 10-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'12.92''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}53'51.28''$) туташади.

10-нуктадан чегара чизиги маҳаллий каналнинг чап томони бўйлаб шимолий йўналишда 206 метр масофада Оқбўйро кўчасининг бошланадиган жойидаги 11-нуктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'19.01''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}53'54.85''$) туташади.

11-нуктадан чегара чизиги Оқбўйро кўчасининг бошланадиган жойи бўйлаб жанубий-шарқий йўналишда 1 069 метр масофада Ўрта Оҳалик МФЙ ва Янгижой маҳалла тизимидаги Оқбўйро ахоли пункти чегарасидаги Оқбўйро кўчасининг ўнг томонидаги 1-нуктага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'58.83''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'31.15''$) туташади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 февралдаги
ПҚ-60-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Оқбўйро» тоғ туризми лойиҳаси чегараларининг
ТАВСИФИ**

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида жойлашган Янгижой маҳалла тизимида Оқбўйро аҳоли пунктидан ўтувчи Оқбўйро кўчасининг 2 121 метр масофадаги чап томонида шимолий-шарқий бурчагидаги нуқта бошланғич 1-нуқта ($WGS-84$ координаталар тизимида, шимолий кенглик координаталари $39^{\circ}31'41.90''$, шарқий узоқлик координаталари $66^{\circ}55'7.07''$) деб қабул қилинди.

1-нуқтадан чегара чизиги тўғри чизик билан тоғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 3 341 метр масофада тоғ қиррасидаги 2-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'59.89''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'19.92''$) туташади.

2-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраларининг жануб томонидан ғарбий йўналишда 1 492 метр масофада тоғ қиррасида Ўрта Оҳалик МФЙ чегараси билан туташ жойидаги 3-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'59.95''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}53'16.62''$) туташади.

3-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирраларидаги Янгижой МФЙ ва Ўрта Оҳалик МФЙ чегара чизиги бўйлаб шимолий-шарқий йўналишда 3 241 метр масофада тоғ қиррасидаги 4-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'36.14''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'28.90''$) туташади.

4-нуқтадан чегара чизиги тоғ қирралари бўйлаб шимолий йўналишда 702 метр масофада Ўрта Оҳалик МФЙ ва Янгижой маҳалла тизимида Оқбўйро аҳоли пункти чегарасида Оқбўйро кўчасининг 1 083 метр масофада ўнг томонидаги 5-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'58.83''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'31.15''$) туташади.

5-нуқтадан чегара чизиги Оқбўйро кўчасининг 1 083 метр масофада ўнг томони бўйлаб шарқий йўналишда 96 метр масофада Оқбўйро кўчасининг 1 179 метр масофада чап томонидаги 6-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'57.14''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'34.60''$) туташади.

6-нуқтадан чегара чизиги Оқбўйро кўчасининг 1 179 метр масофада чап томони бўйлаб шарқий йўналишда 345 метр масофада Оқбўйро кўчасининг 1 524 метр масофада чап томонидаги 7-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'54.69''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'48.70''$) туташади.

7-нуқтадан чегара чизиги Оқбўйро кўчасининг 1 524 метр масофада чап томони бўйлаб жанубий-шарқий йўналишда 283 метр масофада Оқбўйро кўчасининг 1 807 метр масофада чап томонидаги 8-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'49.87''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}54'58.75''$) туташади.

8-нуқтадан чегара чизиги Оқбўйро кўчасининг 1 807 метр масофада чап томони бўйлаб жанубий-шарқий йўналишда 314 метр масофада Оқбўйро аҳоли пунктидан ўтувчи Оқбўйро кўчасининг 2 121 метр масофадаги чап томонидаги нуқта бошланғич 1-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'41.90''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}55'7.07''$) туташади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 февралдаги
ПҚ-60-сон қарорига
З-ИЛОВА

«Миронқул» төғ туризми лойиҳаси чегараларининг ТАВСИФИ

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида жойлашган Миронқул маҳалла фуқаролар йигинидаги «Ганиев Далер» МЧЖ ер майдонининг шимолий-шарқий бурчагидаги нуқта бошланғич 1-нуқта (WGS-84 координаталар тизимида, шимолий кенглик координаталари $39^{\circ}32'35.56''$, шарқий узоқлик координаталари $66^{\circ}51'53.95''$) деб қабул қилинди.

1-нуқтадан чегара чизиги түғри чизиқ билан «Ганиев Далер» МЧЖ ер майдонининг шимолий-шарқий бурчаги бўйлаб жанубий йўналишда 169 метр масофада очиқ майдондаги 2-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'30.27''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}51'52.12''$) туташади.

2-нуқтадан чегара чизиги «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдонининг шимолий-шарқий бурчаги бўйлаб шарқ йўналишда 543 метр масофада очиқ майдондаги 3-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'29.08''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}52'14.69''$) туташади.

3-нуқтадан чегара чизиги «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдонининг шимолий-шарқий бурчаги бўйлаб жанубий йўналишда 898 метр масофада төғ қиррасидаги 4-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'1.05''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}52'4.94''$) туташади.

4-нуқтадан чегара чизиги төғ қирраларининг шимол томонидан жанубий йўналишда 1 517 метр масофада төғ қиррасидаги 5-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}49'21.21''$, шарқий узоқлик $64^{\circ}43'19.79''$) туташади.

5-нуқтадан чегара чизиги төғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 3 563 метр масофада төғ қиррасидаги 6-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}30'0.10''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'54.27''$) туташади.

6-нуқтадан чегара чизиги төғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 1 413 метр масофада төғ қиррасидаги 7-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'18.16''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'30.73''$) туташади.

7-нуқтадан чегара чизиги төғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 737 метр масофада төғ қиррасидаги 8-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'6.41''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'3.64''$) туташади.

8-нуқтадан чегара чизиги төғ қирралари бўйлаб жанубий йўналишда 1 700 метр масофада төғ қиррасидаги 9-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}28'31.31''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}48'8.88''$) туташади.

9-нуқтадан чегара чизиги төғ қиррасининг ўрмон хўжалиги ерлари бўйлаб шимолий-тарбий йўналишда 1 654 метр масофада Нуробод туман чегарасининг төғ қиррасидаги 10-нуқтага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'0.12''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}47'10.36''$) туташади.

10-нуқтадан чегара чизиги төғ қиррасининг Нуробод туман чегараси бўйлаб шимолий йўналишда 1 638 метр масофада Нуробод туман чегараси-

нинг төр қиррасидаги 11-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}29'49.88''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}47'33.04''$) туташади.

11-нүктадан чегара чизиги төр қиррасининг Нуробод туман чегараси бўйлаб шимол йўналишда 2 810 метр масофада Нуробод туман чегарасининг төр қиррасидаги 12-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'3.40''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}48'44.59''$) туташади.

12-нүктадан чегара чизиги төр қиррасининг Нуробод туман чегараси бўйлаб шимолий йўналишда 562 метр масофада Нуробод туман чегарасининг төр қиррасидаги 13-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}31'10.87''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'5.14''$) туташади.

13-нүктадан чегара чизиги төр қиррасининг Нуробод туман чегараси бўйлаб шимолий йўналишда 2 668 метр масофада Нуробод туман чегарасининг төр қиррасидаги 14-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'35.36''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'28.40''$) туташади.

14-нүктадан чегара чизиги төр қиррасининг Нуробод туман чегараси томонидан шарқий йўналишда 325 метр масофада «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдонидаги 15-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'27.97''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'38.13''$) туташади.

15-нүктадан чегара чизиги «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдони бўйлаб шарқий йўналишда 264 метр масофада «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдонидаги 16-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'29.97''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}49'49.03''$) туташади.

16-нүктадан чегара чизиги «Самарқанд Мева Сабзавотлари» МЧЖ ер майдони бўйлаб шарқий йўналишда 655 метр масофада Зарчашма кўчасининг ўнг томонидаги 17-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'26.60''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}50'16.16''$) туташади.

17-нүктадан чегара чизиги Зарчашма кўчасининг ўнг томони бўйлаб шарқий йўналишда 204 метр масофада очик ер майдонидаги 18-нүктага (шимолий кенглик $39^{\circ}32'30.43''$, шарқий узоқлик $66^{\circ}50'22.96''$) туташади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

48

**Иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини
тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кескинлашуви шароитида мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлашда таълим сифати ва илмий салоҳиятни кўтариш орқали кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш мухим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларда самарали бошқарув тизими ни йўлга қўйиш, ўқув жараёнларига энг сўнгги педагогик технологияларни жорий қилиш, илмий фаолиятни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, уларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада ошириш, илфор хорижий тажрибага эга илмий-педагогик кадрларни кенг жалб қилиш мамлакат иқтисодиёти ҳамда молия тизимлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва молия соҳалари учун юқори малакали ҳамда халқаро талабларга мос мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув ҳамда илмий жараёнларни халқаро стандартларга асосланиб инновацион шакл ва усуллар асосида ташкил этиш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солик қўмитасининг Тошкент давлат иқтисодиёт университетини унга Тошкент молия институти ва Фискал институтни (кейинги ўринларда — Университет) қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

2. Қўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиёт, молия ва солик соҳалари бўйича дунёдаги сўнгги тенденциялар, молиявий технологиялар, илфор хорижий тажриба ва реал иқтисодиёт талабарини ҳисобга олган ҳолда олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқот ўйғунлигини таъминлаш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун илфор инновацион ишланмалар яратиш, талабаларда тизимли таҳлил қилиш, креатив фикрлаш ва амалий кўнкималарни шакллантириш;

замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва симуляцион марказлар ташкил этиш орқали «таълим — фан — инновация — рақамлаштириш» экотизими ни ва соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини самарали йўлга қўйиш;

иқтисодиёт, молия ва солик соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойихаларни амалга ошириш, уларнинг на-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 10 февралда эълон қилинган.

тижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

жаҳон таълим ва илмий маконида Университетнинг нуфузини ошириш, етакчи хорижий университетлар билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий илмий-амалий стажировкасини тизимли йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет иқтисодиёт, молия ва солиқ соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда методик таъминот бўйича етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;

б) Тошкент молия институти ва Фискал институтда тахсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда 2023/2024 ўкув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

в) Университетда 2024/2025 ўкув йилидан бошлаб:

таълим жараёни давлат тили, инглиз тили ва бошқа хорижий тилларда олиб борилади;

бакалавриат ва магистратура босқичига ўқишига қабул қилинган иқтидорли талабалар учун алоҳида хорижий тилларда ўқитиладиган гурӯхлар ташкил этилади;

таълим дастурлари халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг дастури асосида босқичма-босқич ишлаб чиқилади;

таълим жараёнига етакчи профессор-ўқитувчilar ҳамда тегишли соҳаларда камида 5 йиллик амалий тажрибага эга бўлган иқтисодиёт, молия ва солиқ тизимларида ишлаган мутахассислар жалб этилади;

иктисодиёт, молия ва солиқ соҳаси ходимларининг малакасини ошириш тизими йўлга қўйилади;

г) Университетга талабаларни ўқишига қабул қилиш 2024/2025 ўкув йилидан бошланади. Бунда, давлат гранти бўйича ўқишига қабул қилиш давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари доирасида белгиланади;

д) Университет:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунади, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси Университет фаолиятини самарали ташкил этиш, малака талабларини ишлаб чиқиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларга амалиёт базаларида шароитлар яратишида кадрлар буюртмачиси сифатида кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда шахсий фазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Тошкент молия институти ва Фискал институтнинг хукуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хукукий вориси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кузатув кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

2024 — 2027 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент давлат иқтисодиёт университетига оператив бошқарув хукуки асосида бепул бериладиган обьектлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқласин.

5. Кузатув кенгashi (Қўчқоров):

а) 2024 йил 1 апрелга қадар Университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш чорасини кўрсин;

б) 2024/2025 ўқув йили бошлангунига қадар тажрибага эга бўлган лойиҳалаштириш ташкилотини жалб қилсин ва Университетнинг мавжуд худудлари ва бино-иншоотлари негизида замонавий кампусни бунёд этиш бўйича мастер режани ишлаб чиқсин ҳамда унда қўйидагиларни назарда тутсин:

Университетнинг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-й манзилидаги ҳудудида ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари, коворкинг марказлари, ИТ лаборатория, бизнес инкубатор ва анжуманлар залини ўз ичига олган мультифункционал кўп қаватли бинони барпо этиш;

Университет кампуси ва улардаги бино-иншоотларни юқори тезлиқдаги интернет билан ягона тармоққа боғлаш, ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

талабалар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида маънан ва жисмонан эскирган бинолар ўрнида янги талабалар тураг жойи, замонавий спорт заллари, ошхоналар ва бошқа бино-иншоотларни қуриш.

6. Университетда маблағлари ҳомийлик хайриялари ҳисобидан шакллантириладиган Университетни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Университетга тушган тўлов-контракт маблағларининг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади ҳамда таълим жараёнини яхшилаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ишлатилади.

7. Кузатув кенгashi (Қўчқоров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш мақсадида икки ой муддатда хорижий экспертларни жалб қилган холда Университет хузурода Трансформация марказини ташкил этсин.

Трансформация маркази қўйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни 2030 йилга қадар ҳалқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1 000 талик рўйхатга киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари ҳалқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хорижий тажрибага мувофиқ бакалавриат таълим йўналишларини мақбуллаштириш ҳамда Университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим дастурларига мувофиқлаштириш;

2024-2025 йилларда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида камида 200 нафар етакчи профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш;

Университетнинг таълим дастурларини хорижий олий таълим ташкилотларининг дастурлари асосида ишлаб чиқиши.

8. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишидан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 февраль,
ПҚ-62-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

49 **Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳаси объектларини барпо этишда буюртмачи хизмати фаолиятини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасига ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уларни иқтисод қилиш, келгусида мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни саклаш харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузурида давлат муасасаси шаклида Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компаниясини (кейинги ўринларда — Компания) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сон қарори билан тасдиқланган 2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) доирасида Компания мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни (кейинги ўринларда — объектлар) қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифасини бажариши;

Компанияга Дастур доирасида тасдиқланган лойиха-смета хужжатлари асосида объектлар учун марказлашган ҳолда асосий қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкцияларни (курилиш жараёни билан боғлик бўлмаган мебель жиҳозлари ва асбоб-ускуналар бундан мустасно) харид қилиш хуқуқини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

2. Мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (кейинги ўринларда — Республика штаби) таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Куйидагилар Республика штабининг асосий вазифалари этиб белгилансан:

ташкил этилаётган Компания фаолиятини йўлга қўйиш, молиялаштириш ва сақлаш, шу жумладан Компания зиммасига юкланган функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

объектлар қурилишига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда ортиқча харажатларни қисқартириш орқали маблағларни иқтисод қилиш бўйича зарур чораларни кўриш;

Компания томонидан объектлар учун марказлашган ҳолда қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкцияларни харид қилиш ҳамда ўз вақтида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 10 февралда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

етказиб беришда юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиб бориши;

объектларда лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳажми ва муддатлари бўйича доимий равишда Компания ва масъулларнинг хисоботини эшитиб бориши;

Дастур доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига янги ва қўшимча объектларни қуриб, фойдаланишга топшириш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш;

объектлардаги қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг ҳолатини ҳар ойда муҳокама қилиб бориши.

3. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) Компания объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун:

харидларни амалга ошириш доирасида маҳсулотлар ва хизматларни тошиш ва баҳолаш, ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар билан музокаралар олиб бориш ҳамда маҳсулотлар сифатини пасайтирган ҳолда тежамкор битимлар тузилишини таъминлайди;

харид қилинган қурилиш материаллари, жихозлар ва конструкцияларни объектларга тўғридан-тўғри етказиб беради ҳамда пудратчиларга топширади;

б) Компания объектларнинг сифатини мунтазам назорат қилиб бориши мақсадида худудлар кесимида ҳар бешта объектга камида битта техник назорат ходимини биритиради;

в) Компанияяга:

объектлар учун зарур бўлган қурилиш материаллари, жихозлар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчилар таклифлари ўртача биржа нархларидан 20 фоиз арzon бўлган тақдирда, истисно тариқасида, тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифлар орасидан танлаб олиш орқали товарларни тўғридан-тўғри харид қилиш;

асосланган ҳисоб-китобларга кўра объектлар учун зарур бўлган қурилиш материаллари, жихозлар ва конструкцияларни харид қилиш (етказиб бериш) учун олдиндан 30 фоиз аванс (бўнак) ажратиш;

худудларда зарур инфратузилмага эга омборхоналар ташкил этиш учун тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифлар орасидан танлаб олиш орқали тўғридан-тўғри ижара шартномаларини тузиш;

марказлашган ҳолда етказиб бериладиган қурилиш материаллари, жихозлар ва конструкциялардан ташқари, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари доирасида зарур қўшимча товарларни харид қилиш учун, кейинчалик уларнинг қийматини бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш шарти билан бош пудрат ташкилотларига тегишли маблағларни ажратиш;

маҳаллий ва хорижий бошқарувчи, маслаҳатчиларни (PMC — Project Management Consultancy) тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан, энг яхши таклифлар орасидан танлаб олиш ва тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали жалб қилиш ҳукуқи берилади.

4. Белгилансинки:

а) Компаниянинг фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан сақлаш,

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий маслаҳатчиларни жалб қилиш харажатлари Дастур доирасида ажратилган маблағларнинг 1 фоиздан кам бўлмаган қисми ҳисобидан амалга оширилади;

б) Дастур доирасида аввалги йилларда бошланган йилдан-йилга ўтувчи обьектлар бўйича буюртмачи функцияларини тегишлича Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни хузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинииринг компаниялари ба-жаради;

в) обьектлар бўйича минимал рейтинг талабларини тўғри белгилаш мақсадида уларнинг бошланғич қиймати Компания томонидан харид қилинадиган қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкцияларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қиймати билан бирга ҳисобланади;

г) обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотлари танлови учун «Шаффофф қурилиш» миллий ахборот тизимининг электрон тендер платформасида:

эълон шартларини белгилашда марказлашган тартибда харид қилинадиган қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкциялар ҳажми ва қиймати Компаниянинг харажатларини инобатга олган ҳолда алоҳида қатор билан жойлаштирилади;

жойлаштирилган эълонларда обьектларнинг бошланғич қийматидан Компания томонидан харид қилинадиган қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкцияларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қиймати айрилади. Бунда, бош пудратчининг тўғридан-тўғри харажатга ҳисобланган харажатлари суммаси тўлиқ сақланади;

д) обьектлар худудидаги мухандислик-коммуникация тармоқларини кўчириш, шунингдек, ичимлик ва оқова сув таъминоти, электр, газ ва алоқа тармоқларини тортиб келиш тадбирлари тегишлилиги бўйича «Ўзсувтаъминот» АЖ, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзбектелеком» АК томонидан маҳаллий бюджетларда ушбу мақсадларга мўлжалланган маблағлар ҳамда уларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва молиялаштириш ишларини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бош прокурор ўринбосари С.И. Самадов Дастур доирасида обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

7. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар обьектларни қуриш бўйича ўтказилган тажриба-синов самарадорлиги таҳлили натижаларидан келиб чиқиб:

заруратга кўра мазкур амалиётни ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфрату-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида бошқа соҳа обьектларига нисбатан жорий этиш;

бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва инфратузилма обьектлари қурилишига оид қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилиш учун масъул ва шахсан жавобгар этиб қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.С. Ҳидоятов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, вазифалар ижросига масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 8 февраль,
ПҚ-65-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

50 Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимо-иётисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари түғрисида*

Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд табиий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини жадал ривожлантириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, тадбиркорлик ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтингчалик ишларда бандлигини таъминлаш мақсадли кўрсаткичлари 1 — 1.4-иловаларга** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида 2024 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг йиғма жадвали ва манзилли рўйхати 2 ва 2.1-иловаларга** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда янги ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш обьектлари мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда ўйлаб ёзиб инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари 5-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир 2024 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар 6-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида 2024-2025 йилларда маҳсус саноат (эркин иётисодий), кичик саноат, ёшлар ва тадбиркорлик саноат зоналарида лойиҳаларни жойлаштириш учун аукцион савдоларига чиқариладиган бўш ер майдонлари рўйхати 7-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасидаги 2024 йилда норуда фойдали қазилма конлари ва участкаларидан фойдаланиш хукуқини аукцион савдоларига чиқариш графиги 8-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2024 йилда ажратиладиган субсидия маблағлари тақсимоти 9-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасини 2024 йилда ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 13 февралда эълон қилинган.

** 1 — 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

кўмаклашиш дастурини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 10-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикасида:

а) 2024 йилда:

кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини амалга ошириш учун Бизнесни ривожлантириш банки кредит ресурслари ҳисобидан 11-иловага* мувофиқ 320 млрд сўм маблағ йўналтирилади;

«Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармони 2-банди «а» кичик банди ва «б» кичик бандининг иккинчи хатбосида назарда тутилган тартиб бўйича тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга 50 млрд сўм маблағ йўналтирилади;

ижтимоий солик тўлаётган ўзини ўзи банд қилган шахсларга «Бизнесга биринчи қадам» банк пластик карталари орқали 5 млн сўмгача миқдорда бир йил муддатгача микроқарзлар тақдим этиш учун тијорат банклари томонидан 12-иловага* мувофиқ 60 млрд сўм маблағ йўналтирилади;

б) 2024 йилдан бошлаб хар ўили «Келажак касблари» лойиҳаси доирасида 1,5 минг нафар ёшлар, хусусан 900 нафари рақамли технологияларга ва 600 нафари хорижий тилларга ўқитилади. Бунда, рақамли технологияларни ўрганиш учун «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ёшларга субсидия ажратиш муддати Қорақалпоғистон Республикаси учун бир йилгача узайтирилади;

в) 2024 йилда кичик саноат зоналари, ёшлар, тадбиркорлик ва саноат зоналари инфратузилма обьектлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 5 млрд сўм ажратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж.А. Қўчкоров) Марказий банк билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий чегаралари ичida инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарга «Нукус» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақомини бериш;

инвестиция мажбуриятларини бажармаган «Нукус» эркин иқтисодий зонаси иштирокчилари билан инвестиция битимларини бекор қилиш, тўхтатиб туриш ва уларни «Нукус» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақомидан маҳрум этишни фақат суд тартибида амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тијорат банклари билан биргаликда 2024 йилда:

* 10 — 12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасида дәхқон хўжаликларини ташкил этиш учун 13-иловага* мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари аукцион савдоларига чиқарилишини;

мазкур ер майдонларида «кооператив» ва «агрегатор» тизимига асосланган лойиҳалар амалга оширилишини;

ҳар бир туманда лойиҳаларни амалга ошириш учун майдони 5 гектаргача бўлган яхлит контурлар танлаб олиниши ва уларда экспортбоп юқори даромадли экинлар экилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида, истисно тариқасида, 2024 йилда пахта хом ашёси етишириш учун имтиёзли кредитларни тупроқнинг бир бонитет балига нисбатан норматив ҳосилдорлигини (центнер/гектар) 1,25 коэффициентга оширган ҳолда ажратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2024 йилда тижорат банкларига жойлаштириладиган депозит маблағлари ҳисобидан чорвачилик соҳасига озуқабоп экинларни етишириш учун олти ой муддатда қайтариш шарти билан 150 млн сўмгача Марказий банкнинг асосий ставкасидан юқори бўлмаган ставкада (шундан 1 фоизи банк маржаси) имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги субориладиган 112 минг гектар ер майдонлари 14-иловага* мувофиқ лазерли текисланниши ташкил қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги 5 — 10 фоизга оширилишини таъминласин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун ҳар бир гектар лазерли текисланган майдонга сарфланган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатларини 100 фоизгача, лекин умумий харажат микдорининг 1 млн сўмдан ортиқ бўлмаган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этилиши белгилансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзагролизинг» АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Беруний, Амударё, Чимбой ва Қонлиқўл туманларида 2024 йил 1 апрелга қадар қишлоқ хўжалиги техникалари билан комплекс хизмат кўрсатувчи техника-сервис марказларини (кейинги ўринларда — техника-сервис марказлари) давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан АТБ «Агробанк»га 10 йил

* 13-14-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муддатга йиллик 7 фоиз ставкада 193 млрд сўм маблағлар депозитга жойлаштиради;

б) АТБ «Агробанк» депозитга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан:

38,6 млрд сўм маблағларни йиллик 10 фоиз ставкада техника-сервис марказларига техникалар харид қилиш мақсадида аванс тўловларини амалга ошириш учун;

154,4 млрд сўм маблағларни 10 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада «Ўзагролизинг» АЖга кредит ажратиш учун йўналтиради;

в) «Ўзагролизинг» АЖ томонидан:

160 дона қишлоқ хўжалиги техникаси 15-иловага* мувофиқ 10 йил муддатга йиллик 14 фоиз ставкада техника-сервис марказларига лизинг асосида берилади;

икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг муддатлари трактор ва комбайнлар учун 10 йилгача, агрегатлар учун 5 йилгача узайтиради;

г) 160 дона қишлоқ хўжалиги техникаси техника-сервис марказларига расмийлаштирилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-7-сон қарорига мувофиқ ажратиладиган субсидия маблағлари ушбу қишлоқ хўжалиги техникаларининг аванс тўлови учун жалб қилинган кредитлар бўйича қарздорликларни сўндириш учун йўналтиришга руҳсат берилади.

9. Ҳисоб палатаси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департamenti, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда мазкур қарорнинг 7-бандига мувофиқ лазерли текислашга ажратиладиган субсидиядан ҳамда 8-бандига асосан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назорат олиб борсин.

10. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ошмаган 200 от кучидан юқори ҳайдов тракторлари ва пахта териш машиналари (ТИФ ТН бўйича 8432 — 8437, 8701 кодлари) 2026 йил 1 январга қадар божхона божидан ва утилизация йигимидан озод қилинади ҳамда тадбиркорлик субъектларига эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кунгача бўлган муддатга кечикириб тўлашга руҳсат берилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» ўюшмасининг:

Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида «Қорақалпоқбалиқ» ўюшмасини ташкил этиш;

* 15-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ҳамда Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги балансидаги барча кўлларни «Қорақалпоқбалиқ» уюшмаси балансига ўтказиш;

«Қорақалпоқбалиқ» уюшмаси қошида Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳамда табиий сув ҳавзаси ижарасидан ва сунъий кўллардан фойдаланувчиларнинг аъзолик бадалидан тушган маблағларни тўлиқ миқдорда ушбу жамғармага йўналтириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида Сув хўжалиги ва мелиорация таълим йўналишига 100 та қабул квотасини ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчи-хонасининг штат жадвалига, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди белгиланган тартибда ўзгартирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасининг алоҳида вакили қўшимча штат бирлиги киритисин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банд ижроси юзасидан тегишли норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритисин.

14. Транспорт вазирлиги «Uzbekistan Airways» АЖ, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган барча резидент авиакомпаниялар ҳамда Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикасига туристлар оқимини янада ошириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:

Истанбул-Нукус-Тошкент, Самарқанд-Нукус-Истанбул йўналишлари бўйича авиақатновларни йўлга қўйисин;

янги харид қилинаётган L-410 русумли самолётлардан бир донаси Қорақалпоғистон Республикасида ички рейслар учун дислокация қилинишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан биргаликда мазкур қарор ижросини назорат қилиб бориш тавсия этилсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Адлия вазирлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритисин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Боз вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчкоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Ф.У. Эрманов белгилансин.

Карор ижросини мухокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 февраль,
ПҚ-66-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**51 Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза
қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга
кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида^{*}**

Қашқадарё вилоятида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тако-миллаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли орасида сурункали касалликларни эрта аниқлаш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан профилактик кўриклар ва скрининг дастурлари кўламини кенгайтириш;

ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкологик ва бошқа касалликларнинг олдини олиш;

аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматларни яқинлаштириш, вилоят даражасида 40 турдаги ва туман даражасида 20 турдаги янги даволаш ва диагностика усулларини амалиётга жорий қилиш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини ошириш, тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни қондириш, жумладан, олис ва чекка ҳудудлардаги вакант ўринларни малакали кадрлар билан бутлаш;

аҳоли ва тиббиёт ташкилотларини сифатли ва хавфсиз дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш;

тиббиёт тизимини ракамлаштириш.

2. Қўйидагилар:

2024 — 2026 йилларда Қашқадарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури 1-иловага^{**} мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жихозлаш дастури 2 ва 2а-иловаларга^{**} мувофиқ;

Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасаларини компьютер техникиси ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш дастури 3-иловага^{**} мувофиқ тасдиқлансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қўйидагиларни амалга оширсин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 февралда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг ўз соғлиги учун жавобгар эканлиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, катталар ва кексалар учун тӯғри овқатланиш, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш;

аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун пархез овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиши;

мактабгача таълим ташкилотларида «Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари» машғулотларини, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув режаларига «Саломатлик сабоқлари» мавзуларини киритиш орқали болаларда соғлом турмуш тарзи кўнікмаларини хосил қилиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиб ҳамда олдини олиш бўйича маҳсус туркум дастурлар ишлаб чиқиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш.

Бунда, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, дори воситаларини ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини қўллашга оид маҳсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойиши йўлга қўйилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари:

а) 2024 йил 1 апрелга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг барча тиббиёт бригадалари ходимларини аҳолининг хавф гурухини аниқлаш ҳамда уларни юрак-қон томир, қандли диабет ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скринингдан ўтказиш юзасидан малакасини ошириш чораларини кўрсин.

Бунда, тегишли Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тавсиялари асосида Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти томонидан скрининг дастурларини амалга ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилади;

б) тиббиёт муассасаларидаги мавжуд вакант шифокор ўринларига тиббиёт олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талabalарини ишга қабул қилиш бўйича жорий этилган тажриба-синов лойиҳасини 2024-2025 йилларда барча худудларда давом этириш чораларини кўрсин;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Республиkaning барча тиббиёт олий таълим муассасалари талabalари учун Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 5 йил ишлаб бериш шарти билан алоҳида давлат буюртмаси жорий этилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2024 йил 1 майдан бошлаб Қашқадарё вилоятида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаган тиббиёт бригадалари ҳар бир аниқланган ҳолат учун Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 миллион сўм миқдорида рағбатлантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бир-

галикда 2024 йил 1 марта қадар онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаган тиббиёт бригадаларини рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

2024 йил 1 марта бошлаб Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидағи ташкилотларнинг мавжуд қувватлари доирасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилояти филиалининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сакланадиган ўрин-жойлар сонини 220 тадан 300 тага ошириш;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли Қарши темир йўл шифохонасининг бино, иншоотлари, тиббий техника ва жиҳозларини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё вилояти филиалига беғараз ўтказиш орқали уларни бирлаштириш.

Бунда, Қарши темир йўл шифохонасига амалда бириктирилган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш (давлат томонидан кафолатланган бепул хизматлар бундан мустасно) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва тиббиёт муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Қарши шаҳар туғуруқ комплекси ўрнида 200 ўрин-жойли янги туғуруқ комплексини қуриш.

Бунда, янги туғуруқ комплекси:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг техник топшириғига асосан хусусий тадбиркор томонидан замонавий талаблар асосида лойиҳалаштирилади, қурилади ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади;

қурилиш ишлари тўлиқ якунлангандан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги балансига ўтказиб берилади;

б) Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидағи ташкилотларнинг мавжуд қувватлари доирасида 50 ўринга мўлжалланган оғир гематологик, онкологик ва клиник иммунологик касалликлар билан хасталанган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатувчи ҳудудлараро хоспис ташкил этиш.

Бунда:

хосписни қуриш ва уни сақлаш билан боғлик харажатлар Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети, зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

хоспис фаолиятини ташкил этиш ва уни сақлаш билан боғлик масалалар Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ҳудудлараро хоспислар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Қарши шаҳри, А. Навоий кўчаси, 79-й манзилида жойлашган ер майдонини Қашқадарё вилояти ҳокимлиги захирасига ўтказиб берилишини таъминласин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Қарши шаҳрида янги кўп тармоқли тиббиёт марказини ва Бешкент шаҳрида янги шифохонани қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш учун Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси (кейинги ўринларда — ҚАИРЖ) маблағларини жалб этиш хақидаги таклифлари маъқуллансин.

Янги қуриладиган тиббиёт маркази ва шифохона концепциялари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Лойиҳаларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда — UNOPS) томонидан ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига, истисно тариқасида, Қарши шаҳрида янги кўп тармоқли тиббиёт марказини ва Бешкент шаҳрида янги шифохонани қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши мақсадида UNOPS гурӯҳи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга розилик берилсин ва унда назарда тутилган шартларга мувофиқ молиялаштириш таъминлансин.

Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ҚАИРЖ маблағлари, ҳалқаро молия институтлари, хорижий давлатлар молиявий ташкилотлари маблағларини жалб этиш бўйича қарз келишуви имзоланганидан ҳамда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангандан сўнг, ҚАИРЖ қарзи ҳисобидан бир марталик тўлов билан қопланади.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрнатилган тартибда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш учун киритиш чораларини кўрсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Қарши шаҳри ва Китоб туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инфаркт ва инсульт касаллиги асоратларини даволаш, протезлаш жарроҳлигидан сўнг тикланиш ҳамда сүяқ-мушак тизими касаллеклари мавжуд bemорларни маҳсус даволаш муолажаларини амалга оширишга ихтисослаштирилган реабилитация марказини ташкил этиш бўйича тендер савдоларини эълон қилсин.

Белгилансинки, реабилитация марказида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) орқали қоплагб берилади.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2024 йил 1 июлдан бошлаб Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимидағи вилоят даражасидаги шифохоналар фаолиятини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно):

Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағига харажатлар таснифининг бир сатрида ўтказиб берилади;

Жамғарма билан тузилган шартномалар асосида йўналтирилади. Бунда,

уларга ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2024 йил 1 июнга қадар ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштиришни жорий қилиш учун зарур клиник харажатлар гурухларини ишлаб чиқсин.

12. Мазкур қарорнинг 2, 2а ва 3-иловаларида назарда тутилган тиббиёт муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш доирасида амалга оширилади.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.А. Худаяров белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 февраль,
ПҚ-67-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

52

«Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС)

«Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва
судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб
вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқка ўзгартири-
шлар киритиш ҳақида»*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2526-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 14 октябрдаги 95-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) «Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2526, 2013 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 620-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 23 январь,
100-сон

*Келишилди:**Олий суд раиси***Б. ИСЛАМОВ***2024 йил 13 январь*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 февралда эълон қилинган.

*Солиқ құймитаси раиси**Ш. КУДБИЕВ*

2024 ыйл 17 январь

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 ыйл
23 январдаги 100-сон бўйруғига
ИЛОВА

**«Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС)
«Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда
мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб
вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруқقا
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Бўйруқнинг муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».
2. Илованинг муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ушбу Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) (бундан кейинги ўринларда стандарт деб юритилади) солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатлари ни кўзлаб вакиллик қилиш тартибини белгилайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

53 Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ-759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси софликни сақлаш вазирининг 2014 йил 15 апрелдаги 5-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2584, 2014 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 237-модда) билан тасдиқланган Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХУДАЯРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 январь,
2-сон

Келишиилди:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖНОВ

2023 йил 18 декабрь

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 15 декабрь

* Ушбу бўйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил
10 январдаги 2-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан
ўтказиш қоидаларига киритилаётган қўшимчалар**

1. 5-банд «паспорт» деган сўздан кейин «идентификация ID-картаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (болалар учун)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 1-илова матни «Ф.И.О., паспорт» деган сўзлардан кейин «идентификация ID-картаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (болалар учун)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE'MOLCHILAR
HUQUQLARINI HIMoya QILISH QO'MITASINING
QARORI

54 “Qonunchilik hujjatlarining raqobatga ta'sirini baholash metodikasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
5-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3155-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 29-dekabrdagi 694-son “Normativ-huquqiy hujjatlar va ular loyihalarining raqobatga ta’sirini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni hamda Insofsiz raqobatni aniqlash metodikasini tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi va Bosh prokururasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Rais o‘rinbosari

A. QAYuMOV

Toshkent sh.,
2024-yil 29-yanvar,
01/11-05/02-son

Kelishildi:

Bosh prokuror

N. YO‘LDOShEV

2024-yil 23-yanvar

Oliy sud raisi

B. ISLAMOV

2024-yil 23-yanvar

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 5-fevralda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar
huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2024-yil
29-yanvardagi 01/11-05/02-son qaroriga
ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Monopoliyaga qarshi kurashish qo'mitasining 2019-yil 19-martdagi 01-11/01-05-son "Qonun hujjatlarining raqobatga ta'sirini baholash metodikasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 3155, 2019-yil 19-aprel) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.04.2019-y., 10/19/3155/2975-son).

2. O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2023-yil 25-maydag'i 05/05-05/01-son "Qonunchilik hujjatlarining raqobatga ta'sirini baholash metodikasiga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 3155-1, 2023-yil 6-iyun) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 07.06.2023-y., 10/23/3155-1/0338-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

55

**Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar
rejasiga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
5-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3336-2*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 18-noyabrdagi 20/4-son qarori (ro'yxat raqami 3336, 2021-yil 26-noyabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 26.11.2021-y., 10/21/3336/1101-son) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 4-yanvar,
42/20-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 6-fevralda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil
 4-yanvardagi 42/20-son qaroriga
 ILOVA

Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. 2-bobda:

- 1) 10198 balans hisobvarag'ining nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin: "10198 "Eskirgan" toifadagi naqd pullar";
- 2) "12521 Jismoniy shaxslarga maxsus dasturlar bo'yicha berilgan qisqa muddatli kreditlar" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 12531 va 12541 balans hisobvaraqlari bilan to'ldirilsin:
 "12531 O'zini o'zi band qilgan shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar
 12541 O'zini o'zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo'yicha berilgan qisqa muddatli kreditlar";
- 3) "14921 Jismoniy shaxslarga maxsus dasturlar bo'yicha berilgan uzoq muddatli kreditlar" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 14931 va 14941 balans hisobvaraqlari bilan to'ldirilsin:
 "14931 O'zini o'zi band qilgan shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar
 14941 O'zini o'zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo'yicha berilgan uzoq muddatli kreditlar";
- 4) "16379 Sharhnomaga ko'ra hisoblab yozilgan, biroq to'lov muddati uzaytirilgan foizlar" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 16381 balans hisobvarag'i bilan to'ldirilsin:
 "16381 Boshqa aktivlar bo'yicha hisoblangan, lekin muddatida to'lanmagan foizlar";
- 5) "16397 Mijozlarning boshqa majburiyatlari bo'yicha olinishi lozim bo'lgan hisoblangan foizlar" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 16398 balans hisobvarag'i bilan to'ldirilsin:
 "16398 Ko'riliши mumkin bo'lgan ehtimoliy zararlarni qoplash zaxirasi — boshqa aktivlar bo'yicha hisoblangan foizlar (kontr-aktiv)";
- 6) 16399 balans hisobvarag'ining nomidagi "aktivlar" degan so'z "kredit va lizinglar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;
- 7) "16413 Olinishi lozim bo'lgan hisoblangan boshqa foizsiz daromadlar" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 16498 balans hisobvarag'i bilan to'ldirilsin:
 "16498 Ko'riliши mumkin bo'lgan ehtimoliy zararlarni qoplash zaxirasi — boshqa aktivlar bo'yicha hisoblangan foizsiz daromadlar (kontr-aktiv)";
- 8) 91505 balans hisobvarag'i nomidagi "Boshqa aktivlar" degan so'zlar "Kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati" degan so'zlar bilan almashtirilsin;
- 9) "91505 Kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bo'yicha vositachilik haqlari" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 91507 balans hisobvarag'i bilan to'ldirilsin:
 "91507 Boshqa aktivlar bo'yicha foizlar va vositachilik haqlari.";

10) “94505 Olingan kreditlar bo‘yicha bankning garovga qo‘yilgan aktivlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 94511, 94512 va 94513 balans hisobvaraqlari bilan to‘ldirilsin:

“94511 Boshqa aktivlar bo‘yicha garov sifatida olingan qimmatli qog‘ozlar

94512 Boshqa aktivlar bo‘yicha garov sifatida olingan mulklar va mulkiy huquq(talab)lar

94513 Boshqa aktivlar bo‘yicha garov sifatida olingan kafolat va kafilliklar”;

2. 3-bobda:

1) 10198 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10198 “Eskirgan” toifadagi naqd pullar

Hisobvaraqnning ta’rifi: bankdagi “eskirgan” toifadagi naqd pullar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debetida “eskirgan” toifadagi naqd pullar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida “eskirgan” toifadagi naqd pullarning hisobdan chiqarilgan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob bitta shaxsiy hisobvaraqa olib boriladi.”;

2) 12505 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqnning ta’rifi: jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan muddatida to‘lanmagan (qoplanmagan) qisqa muddatli va uzoq muddatli kredit (shu jumladan, mohiyati bo‘yicha kreditlar bo‘lgan overdraft va boshqa operatsiya)larning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debetida qayta tasniflangan, 12501, 12502, 12503, 12504, 12509, 12521, 12531, 12541, 14901, 14902, 14903, 14905, 14913, 14921, 14931, 14941 hisobvaraqlardan ushbu hisobvaraqqqa o‘tkazilgan jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan muddatida to‘lanmagan kreditlarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida qarzdorlar tomonidan to‘langan, kreditlarning boshqa maqomi bo‘yicha qayta tasniflangan va/yoki ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash uchun zaxira 12599 hisobvaraqdan hisobdan chiqarilgan summa aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

3) 12509 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqnning ta’rifi: kredit shartnomasi hamda unga qo‘srimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari o‘zgartirilgan jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan qisqa muddatli kredit (shu jumladan, mohiyati bo‘yicha kreditlar bo‘lgan overdraft va boshqa operatsiya)larning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debetida qayta tasniflangan, 12501, 12502, 12503, 12504, 12505, 12521, 12531 va 12541 hisobvaraqlardan ushbu hisobvaraqqqa o‘tkazilgan va jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan shartlari qayta ko‘rib chiqilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida to‘langan, qayta tasniflangan va/yoki ko‘rilishi

mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash 12599 hisobvaraqdan hisobdan chiqarilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

4) “12521 Jismoniy shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan qisqa muddatli kreditlar” balans hisobvarag‘ining ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 12531 va 12541 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“12531 O‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqnning ta’rifi: 1 yil muddatgacha o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan kredit (shu jumladan, mohiyati bo‘yicha kreditlar bo‘lgan overdraft va boshqa operatsiya)larning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debitida berilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida qoplangan va/yoki boshqa maqomi bo‘yicha qayta tasniflangan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi

12541 O‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan qisqa muddatli kreditlar

Hisobvaraqnning ta’rifi: 1 yil muddatgacha o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan kreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debitida berilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida qoplangan va/yoki boshqa maqomi bo‘yicha qayta tasniflangan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

5) 12599 balans hisobvarag‘ining ta’rifida “jismoniy shaxslarga” degan so‘zlardan keyin „, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

6) 14905 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqnning ta’rifi: kredit shartnomasi hamda unga qo‘srimcha kelishuvga muvofiq asosiy shartlari o‘zgartirilgan jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan uzoq muddatli kredit (shu jumladan, mohiyati bo‘yicha kreditlar bo‘lgan boshqa operatsiya)larning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqnning debitida qayta tasniflangan, 14901, 14902, 14903, 14913, 14921, 14931, 14941 va 12505 hisobvaraqlardan ushbu hisobvaraqqqa o‘tkazilgan va jismoniy shaxslarga, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan shartlari qayta ko‘rib chiqilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida to‘langan, qayta tasniflangan va/yoki ko‘rilishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash uchun zaxira hisobidan 14999 hisobvaraqdan chiqarilgan kreditlarning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

7) “14921 Jismoniy shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan uzoq muddatli kreditlar” balans hisobvarag‘i ta’rifidan keyin quyidagi mazmundagi 14931 va 14941 balans hisobvaraqlarining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“14931 O‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqtning ta’rifi: 1 yildan ortiq muddatga o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga berilgan kredit (shu jumladan, mohiyati bo‘yicha kreditlar bo‘lgan boshqa operatsiya)larning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning debetida berilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning kreditida to‘langan va/yoki boshqa maqomi bo‘yicha qayta tasniflangan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

14941 O‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan uzoq muddatli kreditlar

Hisobvaraqtning ta’rifi: 1 yildan ortiq muddatga o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga maxsus dasturlar bo‘yicha berilgan kreditlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning debetida berilgan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning kreditida qoplangan va/yoki boshqa maqomi bo‘yicha qayta tasniflangan kreditlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir qarzdor bo‘yicha kredit shartnomalariga qarab alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

8) 14999 balans hisobvarag‘ining ta’rifi “jismoniy shaxslarga” degan so‘zlardan keyin “, shu jumladan o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarga” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

9) 16377 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqtning ta’rifi: shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning debetida shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning kreditida to‘langan (qoplangan) va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

10) 16379 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqtning ta’rifi: shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq to‘lov muddati uzaytirilgan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning debetida shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq to‘lov muddati uzaytirilgan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning kreditida to‘langan (qoplangan) va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq to‘lov muddati uzaytirilgan foizlar (kreditlar va lizing bo‘yicha) bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

11) “16379 Shartnomaga ko‘ra hisoblab yozilgan, biroq to‘lov muddati

uzaytirilgan foizlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16381 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16381 Boshqa aktivlar bo‘yicha hisoblangan, lekin muddatida to‘lanmagan foizlar

Hisobvaraqning ta’rifi: shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (boshqa aktivlar) hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (boshqa aktivlar) summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida to‘langan (qoplangan) va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar (boshqa aktivlar) summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnoma bo‘yicha olish uchun hisoblangan, biroq muddatida to‘lanmagan foizlar (boshqa aktivlar) bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

12) 16397 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16397 Mijozlarning boshqa majburiyatları (boshqa aktivlar) bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan foizlar

Hisobvaraqning ta’rifi: mijozlarning boshqa majburiyatları (boshqa aktivlar) bo‘yicha hisoblangan, lekin hali olinmagan foizlar hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning debetida olish uchun hisoblangan foizlar summasi aks ettiriladi

Hisobvaraqning kreditida to‘langan (qoplangan) va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar summasi, shuningdek 16381 hisobvarag‘iga o‘tkazilgan va noto‘g‘ri hisoblangan foizlarning qaytarilish summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob mijozlarning boshqa majburiyatları turi (boshqa aktivlar) bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

13) “16397 Mijozlarning boshqa majburiyatları (boshqa aktivlar) bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan foizlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16398 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16398 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan ehtimoliy zararlarni qoplash zaxirasi — boshqa aktivlar bo‘yicha hisoblangan foizlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning ta’rifi: boshqa aktivlar bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan foizli daromadlarning undirib olinmasligi natijasida vujudga kelishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash uchun yaratilgan zaxira hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqning kreditida tashkil etilgan zaxiraning baholash summasi va/yoki uning o‘sish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob tashkil etilgan zaxiralarni bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

14) 16399 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16399 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan ehtimoliy zararlarni qoplash zaxirasi — kredit va lizinglar bo‘yicha hisoblangan foizlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqning ta’rifi: kredit va lizinglar bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan

hisoblangan foizli daromadlarning undirib olinmasligi natijasida vujudga kelishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash uchun yaratilgan zaxira hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning kreditida tashkil etilgan zaxiraning baholash summasi va/yoki uning o’sish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob tashkil etilgan zaxiralalar bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

15) 16405 balans hisobvarag‘ining ta’rifidagi “ko‘rsatilgan xizmatlar” degan so‘zlar “kredit va lizinglar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16) 16413 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqtning ta’rifi: boshqa aktivlar bo‘yicha hisoblangan, lekin hali olinmagan jarima va penyalar, shuningdek, bir martalik vositachilik haqlari va boshqa foizsiz daromadlarning hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning debetida olish uchun hisoblangan boshqa foizsiz daromadlar summasi aks ettiriladi

Hisobvaraqtning kreditida undirilgan va/yoki hisobdan chiqarilgan, shuningdek note‘g‘ri hisoblangan boshqa foizsiz daromadlarning qaytarilish summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

17) “16413 Olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan boshqa foizsiz daromadlar” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 16498 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“16498 Ko‘rilishi mumkin bo‘lgan ehtimoliy zararlarni qoplash zaxirasi — boshqa aktivlar bo‘yicha hisoblangan foizsiz daromadlar (kontr-aktiv)

Hisobvaraqtning ta’rifi: olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan foizsiz daromadlarning undirib olinmasligi natijasida vujudga kelishi mumkin bo‘lgan boshqa aktivlar bo‘yicha zararlarni qoplash uchun yaratilgan zaxira hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning kreditida tashkil etilgan zaxiraning baholash summasi va/yoki uning o’sish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob tashkil etilgan zaxiralalar bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

18) 16499 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqtning ta’rifi: olinishi lozim bo‘lgan hisoblangan foizsiz daromadlar (kredit va lizinglar)ning undirib olinmasligi natijasida vujudga kelishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash uchun yaratilgan zaxira hisobi olib boriladi.

Hisobvaraqtning kreditida tashkil etilgan zaxiraning baholash summasi va/yoki uning o’sish summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqtning debetida zaxiraning kamayish summasi va/yoki bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob tashkil etilgan zaxiralalar bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

19) 20816 balans hisobvarag‘ining beshinchi xatboshisidagi “bitta” degan so‘z “alohida” degan so‘z bilan almashtirilsin.

20) 91505 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“91505 Kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bo‘yicha vositachilik haqlari

Hisobvaraqning ta’rifi: kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bilan bog‘liq vositachilik haqlari, jarima va penyalarning hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96335 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan muddati o‘tgan va/yoki hisoblangan foizlar va vositachilik haqlari summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bo‘yicha to‘langan va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar va vositachilik haqlari summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

21) “91505 Kreditlar, lizing, kafillik va bank kafolati bo‘yicha vositachilik haqlari” balans hisobvarag‘idan keyin quyidagi mazmundagi 91507 balans hisobvarag‘ining nomi va ta’rifi bilan to‘ldirilsin:

“91507 Boshqa aktivlar bo‘yicha foizlar va vositachilik haqlari

Hisobvaraqning ta’rifi: boshqa aktivlar va vositachiliklar bo‘yicha hisobdan chiqarilgan foizlar, vositachilik haqlari, jarima va penyalar hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96335 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida boshqa aktivlar bo‘yicha olinishi lozim bo‘lgan muddati o‘tgan va/yoki hisoblangan foizlar va vositachilik haqlari, jarima va penyalar summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida boshqa aktivlar bo‘yicha to‘langan va/yoki hisobdan chiqarilgan foizlar, vositachilik haqlari, jarima va penyalar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir mijoz bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

22) 94501 balans hisobvarag‘ining ta’rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Hisobvaraqning ta’rifi: kreditlar, lizing va kafillik/bank kafolati ta’motiga qabul qilingan qimmatli qog‘ozlar hisobi olib boriladi. Qimmatli qog‘ozlar qabul qilingan ta’mot summasida hisobga olinadi. Ushbu hisobvaraq uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqning debetida garov ta’moti sifatida olingan qimmatli qog‘ozlarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqning kreditida kreditlar, lizing va kafillik/bank kafolati qaytarilmaganda foydalanilgan ta’mot summasi, shuningdek kreditlar, lizing va kafillik/bank kafolati qaytarilgandan keyin hamda kredit, lizing va kafillik/bank kafolati shartnomalari yopilgandan keyin mijozlarga qaytarilgan qimmatli qog‘ozlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnomaga bo‘yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

23) 94502 balans hisobvarag'ining ta'rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Hisobvaraqnning ta'rifi: kredit, lizing va kafillik/bank kafolati ta'minotiga garov sifatida qabul qilingan mulklar va mulkiy huquq (talab)lar hisobi olib boriladi. Garov sifatida olingan mulklar va mulkiy huquq(talab)lar hisobvaraqq'a garov bo'yicha shartnoma tuzilgan vaqtgagi baholangan qiymati bo'yicha kirim qilinadi. Ushbu hisobvaraq uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqnning debetida garov ta'minoti sifatida qabul qilingan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning qiymati aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida garovga qabul qilingan foydalanilgan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning summasi yoki kredit, lizing va kafillik/bank kafolati va ular bo'yicha hisoblangan foizlar qoplangandan (to'langandan) keyin qaytariladigan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir shartnoma bo'yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.";

24) 94503 balans hisobvarag'ining ta'rifi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Hisobvaraqnning ta'rifi: kreditlar va/yoki lizing ta'minotiga qabul qilingan kafolat va kafilliklarning, shuningdek sug'urta polislарining hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqnning debetida berilgan kreditlar va/yoki lizinglarning ta'minoti sifatida qabul qilingan kafolat va kafilliklarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida kreditlar va/yoki lizinglar qaytarilmaganda foydalanilgan ta'minot summasi, shuningdek kreditlar qaytarilgandan keyin va kredit shartnomalari yopilgandan keyin kafolatlar va kafilliklarning muddati o'tishi bilan o'rnatilgan tartibda foydalanilmagan va bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob har bir kredit shartnomasi bo'yicha alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.";

25) "94505 Olingan kreditlar bo'yicha bankning garovga qo'yilgan aktivlari" balans hisobvarag'idan keyin quyidagi mazmundagi 94511, 94512 va 94513 balans hisobvaraqlarining nomi va ta'rifi bilan to'ldirilsin:

"94511 Boshqa aktivlar bo'yicha garov sifatida olingan qimmatli qog'ozlar

Hisobvaraqnning ta'rifi: boshqa aktivlar bo'yicha garov sifatida ta'minotga qabul qilingan qimmatli qog'ozlar hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraq uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraq kontr-hisobvaraq hisoblanadi.

Hisobvaraqnning debetida boshqa aktivlar ta'minoti sifatida olingan qimmatli qog'ozlarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqnning kreditida boshqa aktivlar qaytarilmaganda foydalanilgan ta'minot summasi, shuningdek boshqa aktivlar qaytarilgandan keyin va boshqa aktivlar shartnomalari yopilgandan keyin mijozlarga qaytarilgan qimmatli qog'ozlar summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

94512 Boshqa aktivlar bo'yicha garov sifatida olingan mulklar va mulkiy huquq(talab)lar

Hisobvaraqlarning ta’rifi: boshqa aktivlar bo‘yicha garov sifatida ta’milotga qabul qilingan mulklar va mulkiy huquq (talab)lar hisobi olib boriladi. Garov sifatida olingan mulklar va mulkiy huquq(talab)lar hisobvaraqlarga garov bo‘yicha shartnomalar tuzilgan vaqtdagi baholangan qiymati bo‘yicha kirim qilinadi. Ushbu hisobvaraqlar uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraqlar kontr-hisobvaraqlar hisoblanadi.

Hisobvaraqlarning debetida garov ta’miloti sifatida qabul qilingan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning qiymati aks ettiriladi.

Hisobvaraqlarning kreditida garovga qabul qilingan foydalanilgan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning summasi bo‘yicha hisoblangan foizlar qoplangandan (to‘langandan) keyin qaytariladigan mulklar va mulkiy huquq(talab)larning summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.

94513 Boshqa aktivlar bo‘yicha garov sifatida olingan kafolat va kafilliklar

Hisobvaraqlarning ta’rifi: boshqa aktivlar bo‘yicha ta’milotga qabul qilingan kafolat va kafilliklar hisobi olib boriladi. Ushbu hisobvaraqlar uchun 96381 balansdan tashqari hisobvaraqlar kontr-hisobvaraqlar hisoblanadi.

Hisobvaraqlarning debetida berilgan boshqa aktivlar ta’miloti sifatida qabul qilingan kafolat va kafilliklarning summasi aks ettiriladi.

Hisobvaraqlarning kreditida boshqa aktivlar bo‘yicha foydalanilgan ta’milot summasi, shuningdek boshqa aktivlar qaytarilgandan keyin va boshqa aktivlar bo‘yicha shartnomalar yopilgandan keyin kafolatlar va kafilliklarning muddati o’tishi bilan o‘rnatalilgan tartibda foydalanilmagan va bekor qilingan summasi aks ettiriladi.

Tahliliy hisob alohida shaxsiy hisobvaraqlarda olib boriladi.”;

3. Illovaning 56-bandiga quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“56. Bankning “eskirgan” toifadagi naqd pullari 10198 “Eskirgan” toifadagi naqd pullari” hisobvarag‘ida yuritiladi va ushbu hisobvaraqlarga “eskirgan” toifadagi naqd pullari 17301 “Tranzit hisobvarag‘i” orqali kirim (chiqim) qilinadi.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

56

**Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар про-
вайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғриси-
даги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор
қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3150-сон «Ўзбекистон Республика-
си Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш
тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республика-
сида ракамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривож-
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агент-
лиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон бўйруғи (рўйхат рақами
3380, 2022 йил 15 август) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси,
15.08.2022 й., 10/22/3380/0742-сон) билан тасдиқланган Крипто-активлар
айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча
киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилган кундан эътиборан уч ойдан кей-
ин кучга киради.

Директор**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,
2024 йил 11 январь,
4-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
истиқболли лойиҳалар миллӣ агентлиги ди-
ректорининг 2024 йил 11 январдаги
4-сон буйруғига
ИЛОВА

**Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар
провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тӯғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 14-банднинг «в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) лицензия талабгорининг раҳбарияти (раҳбар, унинг ўринбосарлари) ва таъсисчилари чет эл фуқаролари бўлганда, мазкур Низомнинг 9-банди «з» кичик бандида назарда тутилган жиноятлар бўйича белгиланган тартибда легалаштирилган ёки апостиль қўйилган тегишли хорижий мамлакатнинг ваколатли орнидан олинган судланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тартибда тасдиқлаган таржимаси;».

2. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Лицензияни бериш тӯғрисидаги аризани рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг лицензия талабгори томонидан тўлик бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ҳамда шартларига мувофиқ эмаслиги;

бир йил муддатга лицензияни олиш ёки суднинг қарорига (хукмига) асосан шахсга нисбатан муайян фаолият тури билан шуғулланиш тақиқланганлиги;

лицензия талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

талабгорнинг мансабдор шахслари ва (ёки) таъсисчиларнинг мазкур Низомнинг 9-банди «з» кичик бандида назарда тутилган жиноятларда иштирок этганлиги ёки иштирок этишда гумонланаётганлиги ҳақида маълумотлар мавжудлиги.

Лицензияни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.».

3. 31-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишида лицензияловчи орган томонидан талабгорга илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши ҳамда мазкур Низомнинг 24-банди олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.».

4. 50-банд қўйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда бир йил давомида қайтадан лицензия берилмайди. Мазкур талаб лицензиатнинг муассиси ёки бенефициар мулкдори томонидан ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**57 Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга
кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий
банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари-
га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор
қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил
22 июлдаги 19/14-сон қарори (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) (Ўз-
бекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-мод-
да) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга
кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва
қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан
кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 январь,
42/18-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил
23 январдаги 42/18-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгариши ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талабларни белгилайди.».
2. З-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган корпоратив облигацияларнинг саксон фоизи.».
3. 20-банднинг олтинчи хатбошидаги «банкрот» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 39-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
5. 432-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«432. Лахзали ликвидлилик коэффициенти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ва Марказий банкининг қимматли қофозлари (бундан репо битими билан сотилган, шунингдек таъминот сифатида берилган қимматли қофозлар мустасно) ҳамда банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдаги хисобваракларидағи маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий захира хисобварагидағи маблағлар мустасно) суммасини ушбу Низомнинг З-иловасидаги рўйхатда келтирилган хисобваракларнинг қолдиқлари — талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади.».
6. З-илова 4-позициясининг «Баланс ҳисобвараклари» устуни «22628» ракамидан кейин «22642» раками билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 23 январдаги 100-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (4-сонли СММС) «Солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини кўзлаб вакиллик қилиш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2024 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2526-1.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 10 январдаги 2-сон «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

2024 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584-2.

3. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2024-yil 29-yanvardagi 01/11-05/02-son “Qonunchilik hujjatlarining raqobatga ta’sirini baholash metodikasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori.

2024-yil 5-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3155-2.

4. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 4-yanvardagi 42/20-son “Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasiga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 5-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3336-2.

5. Ўзбекистон Республикаси истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 11 январдаги 4-сон «Криpto-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруфи.

2024 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3380-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 23 январдаги 42/18-сон «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2024 йил 7 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-6.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартағи 01-11/01-05-сон «Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3155, 2019 йил 19 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3155-1, 2023 йил 6 июн).

2024 йил 5 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар конунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.